

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

КАРИМОВ АНВАР МИРЗОХИДОВИЧ

**ИШЕМИК КАРДИОМИОПАТИЯ ВА ҚАНДЛИ ДИАБЕТ 2 ТИП
БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА ТЕРИ ОРҚАЛИ АРАЛАШУВНИНГ
САМАРАДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШ**

14.00.06 – Кардиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Каримов Анвар Мирзохидович

Ишемик кардиомиопатия ва қандли диабет 2 тип билан оғриган беморларда тери орқали аралашувнинг самарадорлигини аниқлаш.....3

Каримов Анвар Мирзохидович

Эффективность чрескожных коронарных вмешательств у больных ишемической кардиомиопатией с сахарным диабетом 2 типа.....27

Karimov Anvar Mirzohidovich

Effectiveness of percutaneous coronary interventions in patients with ischemic cardiomyopathy with type 2 diabetes mellitus.....48

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published work.....53

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

КАРИМОВ АНВАР МИРЗОХИДОВИЧ

**ИШЕМИК КАРДИОМИОПАТИЯ ВА ҚАНДЛИ ДИАБЕТ 2 ТИП
БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА ТЕРИ ОРҚАЛИ АРАЛАШУВНИНГ
САМАРАДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШ**

14.00.06 – Кардиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/Tib1509 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.cardiocenter.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz)да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Абдуллаев Тимур Атаазарович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Алимов Данияр Анварович
тиббиёт фанлари доктори

Расулова Зулфия Дадаевна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот: Республика Ихтисослаштирилган Терапия ва Тиббий
Реабилитация Илмий-Амалий Тиббиёт Маркази

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «6» декабр соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100052, Тошкент шаҳри Мирзо Улугбек тумани, Осиё кўчаси 4-уй. Тел./Факс (99871)237-31-57, e-mail: info@cardiocenter.uz)

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 12 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100052, Тошкент Мирзо Улугбек тумани, Осиё кўчаси, 4-уй. Тел./Факс (99871)237-31-57.

Диссертация автореферати 2021 йил «24» декабр тарқатилди.

2021 йил «24» 12 даги 12 рақамли реестр баённомаси.



Р.Д.Курбанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, академик

Г.У.Муллабасва

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлар доктори

А.Х.Абдуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда юрак-қон томир касалликлари (ЮҚТК) XX-XXI асрлар чегарасида меҳнатга лаёқатли аҳолининг ногиронлиги ва ўлими сабаблари сифатида пешқадамлик қилиб келмоқда. ЮҚТК орасида касалланиш ва юрак етишмовчилиги (ЮЕ) ривожланишига олиб келувчи сабаблар бўйича етакчи ўринни юрак ишемик касаллиги (ЮИК) эгаллаб турибди. Ўткир ва сурункали юрак етишмовчилигини диагностика қилиш ва даволаш бўйича 2016 йилдаги Европа тавсияларида қайд қилинганки, “...ЮЕ ва ЮИК билан хасталанган беморларнинг катта қисмида анамнезида миокард инфаркти (МИ) ва реваскуляризация бўлиб, ушбу хужжатга асос бўлган кўпчилик кўп марказли трайлллар натижалари ишемик кардиомиопатияли (ИКМП) беморларда ўтказилган тадқиқотларга таянади”. “Чап қоринча (ЧҚ) нинг ишемик ремоделланиши ушбу патология учун хос бўлиб, миокард шакли, бўшлиқлари ҳажмлари ва массаси ўзгаришларининг йиғиндиси кўринишида бўлади”¹. “Патофизиологик ўзгаришлар миокард шикастланиш ва ишемияси туфайли систолик дисфункцияга олиб келади ва ЮЕ симптомлари бўлган беморларнинг кўпчилигида чап қоринча отиш фракцияси пасаяди (ЧҚ ОФ 40% дан кам), бироқ беморларнинг анчагина қисми сурункалик юрак етишмовчилиги (СЮЕ) симптомлари мавжудлигида ҳам сақланган (50% дан ортиқ) ЧҚ ОФ га эга бўлишлари мумкин”².

Жаҳонда ИКМП билан касалланган беморларда клиник-ташхисот асослари ва уларни даволашни такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилган ҳолда, сурункали юрак етишмовчилиги ва 2 тип қандли диабет (2тҚД) беморларда патогенетик боғлиқликни аниқлаш; тери орқали коронар аралашув (ТОКА) усулларини ИКМП билан касалланган беморларда қўллаган ҳолда касалликнинг ривожланишига ва прогнозлаш тартибини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шулар билан бир қаторда бу беморларда клиник-функционал жараёнларини объектив баҳолаш усулларини такомиллаштириш, ҳамда касаллик ривожланишини башоратлаш услубларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда аҳолига тиббий ёрдам сифатини ошириш, катта ёш гуруҳ беморларида касалликларни эрта аниқлаш ва уларда асоратларни камайтириш бўйича чора-тадбирлар ўтказилмоқда. Хусусан, «...соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги, ҳамда сифатини оширишга қаратилган бирламчи бўғини, тез ва шошилишчи тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, аҳолининг соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тиббиёт муассасалари материал-техник базасини

¹ 2021 ESC Guidelines for the diagnosis and treatment of acute and chronic heart failure. European Heart Journal (2021)00, 1-128. doi:10.1093/eurheart/ehab368.

² Cabac-Pogorevici I. Ischaemic cardiomyopathy. Pathophysiological insights, diagnostic management and the roles of revascularisation and device treatment. Gaps and dilemmas in the era of advanced technology // European Journal Heart Failure. – 2020. – Vol. 22, № 5. – P.789-799.

мустаҳкамлаш»³ каби вазифалар белгилаб берилган. Шу жихатдан юрак-қон томир касалликларида тиббий ёрдам кўрсатишни янги поғонага кўтариш масалалари, уларни даволашни ва ҳаёт сифатини яхшилашни оптималлаштириш бўйича илмий-инновацион ишланмалар яратиш бўйича тадқиқотлар олиб бориш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу диссертация тадқиқоти республика VI «Тиббиёт ва фармакология» - фан ва технологияларни такомиллаштиришнинг устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Коронар қон томирлар шикастланиши оқибатидаги оғир миокард ишемияси ва юрак етишмовчилигининг клиник кўринишлари бўлган миокард дисфункцияси яқин пайтгача эндоваскуляр ангиопластика ўтказиш учун нисбий қарши кўрсатма ҳисобланар эди (Л.А. Бокерия ва ҳаммуал., 2002). Хусусан, кўрсатилганки, тинч ҳолатда ОФ нинг ҳар 10% га пасайишига тери орқали аралашувлардан кейин госпитал ўлимнинг икки баробар ортиши тўғри келади. Коронар эндопротезлар пайдо бўлиши билан стентлаш ЮИК нинг турли босқичларида ва турли клиник кўринишларида: ностабил стенокардияли, ўткир миокард инфаркт (ЎМИ) ўтказган, чап қоринча отиш фракцияси (ЧҚ ОФ) пасайган миокарднинг ишемик дисфункцияси бор беморларда, коронар артериялар (КА) нинг кўп қон томирли шикастланишида, ҚД да муваффақиятли қўлланила бошлади (Cosmi F. 2018, Crisafulli A. 2020, Del Buono M.G. 2020, Dunlay S.M. 2019, Eriksson J.W., Bodegard J. 2016).

Коморбид ҳолатларни ўрганиш алоҳида долзарбликка эга. СЮЕ бор беморларда 2тҚД мавжуд бўлганда ўлим хавфи 1,29-3,19 мартага ортади (MacDonald M.R. 2008). СЮЕ нинг систолик (С-СЮЕ) шакли бўлган беморларда гликозириланган гемоглобин (HbA1c)>6,7% да ўлим хавфи бир йил давомида HbA1c≤6,7% ли беморларга нисбатан деярли 2 марта юқори бўлган (Goode K.M. 2009). DIABHYCAR (type 2 DIABetes Hypertension Cardiovascular Events and Ramipril) тадқиқоти маълумотларига кўра 2-типтаги ҚД бор

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

беморларда СЮЕ мавжудлигида ўлим даражаси СЮЕ бўлмаган 2тҚД ли беморларга нисбатан 12 мартабага юқорилиги қайд этилди. СЮЕ декомпенсацияси туфайли госпитализациялар тезланиши ва давомийлиги 2-типдаги ҚД бор беморларда анча юқори бўлади, бу йирик кўламли BEST, MERIT-HF тадқиқотлари билан тасдиқланган (Esper R.B., Farkouh M.E., Ribeiro E.E. 2018, Farkouh M.E., Domanski M., Dangas G.D. 2019).

Мамлакатимизда ЮИК бор беморларда эндоваскуляр услубларни кўллаш муаммосига бағишланган тадқиқотларни турли йилларда Зуфаров М.М., Алимов Д.А., Аляви Б.А., Фозилов Х.Г. ва бошқалар томонидан олиб борилган. Улар томонидан ЮИК бор беморларда касалликнинг клиник шаклига кўра ва кўп қон томирлар шикастланишида миокарднинг эндоваскуляр реваскуляризацияси клиник-функционал аҳамияти, самарадорлиги ва узоқ муддатлардаги натижалари ўрганилган.

Юқорида айтилганларни ҳисобга олган ҳолда мамлакатдаги замонавий кардиологиянинг энг муҳим вазифаси бўлиб коронар артерияларнинг шикастланишига, чап қоринча дисфункциясига ва ёндош 2тҚД мавжудлигига кўра ИКМП кечишининг ўзига хос хусусиятларини баҳолаш, шунингдек, миокардни реваскуляризация қилишга ёндашувларни оптималлаштириш ва аралашувлар самарадорлигининг прогностик мезонларини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказида № ПЗ-20170928334 «Буйраклар дисфункцияси билан кечган сурункали юрак етишмовчилигини клиник-генетик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда даволаш ва профилактикасининг янги персоналлашган усуллари ишлаб чиқиш» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган (2018–2020 йй.).

Диссертация тадқиқоти Республика Ихтисослаштирилган Кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида “СЮЕ кечишининг клиник-функционал, генетик детерминантларини ва динамикаси маркерларини баҳолаш асосида ишемик ва нокоронароген кардиомиопатияларнинг турли шакллари янги юқори технологияли даволаш услубларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган (2018–2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади ишемик кардиомиопатияли 2-типдаги қандли диабет бор беморларда тери орқали коронар аралашувларнинг самарадорлигини прогнозга таъсирини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

2-типдаги қандли диабет бор ИКМП ли беморларда юрак ремоделланишининг ўзига хос хусусиятларини коронар қон томирлар шикастланиши семиотикаси билан ўзаро боғлиқликда баҳолаш;

2-типдаги қандли диабет бор ИКМП ли беморларда ТОКА нинг клиник-гемодинамик кўрсаткичларга ва яқин келажақдаги оқибатларга таъсирини аниқлаш;

2-типтаги қандли диабети бор ИКМП ли беморларда юрак ремоделланишининг динамик жараёнини 2 йиллик давр ичида клиник-функционал ва лаборатор кўрсаткичлар билан ўзаро боғлиқликда баҳолаш;

2-типтаги қандли диабети бор ИКМП ли беморларда ТОКА га ижобий жавоб предикторларини аниқлаган ҳолда 2 йиллик ҳаёт прогнозини аниқлаш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий амалий тиббиёт марказида стационар шароитда даволанган 111 та ТОКА ўтказилган ишемик этиологияга эга, ёндош 2-типтаги ҚД ли СЮЕ бор беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида анамнез, физикал маълумотлар, ангиографик тавсифномалар, эхокардиография кўрсаткичлари, қоннинг лаборатор текширувлари, жумладан, липидлар алмашинуви ва коагулограмма кўрсаткичлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, функционал, инструментал, биокимёвий ва ангиографик тадқиқот услублари, шунингдек сўровномалар ва статистик таҳлилдан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор чап қоринча отиш фракцияси паст бўлган ишемик кардиомиопатияли ва 2 типтаги қандли диабети бор беморларда СЮЕ нинг клиник белгилари ва симптомларининг ифодаланганлиги, юрак ремоделланишининг ўзига хос хусусиятлари ва шикастланган коронар қон томирлар семиотикаси ўртасидаги ўзаро боғлиқлик аниқланган;

чап қоринча отиш фракцияси паст бўлган ишемик кардиомиопатияли беморларда 70% дан кўп ҳолларда юрак ичи гемодинамикаси кўрсаткичлари эксцентрик ремоделланиш учун хос бўлган ўзгаришларга эга эканлиги ҳамда II типтаги қандли диабет билан шартланганда миокард тузилмаси ва функциясининг ўзгаришлари яққолроқ ифодаланган морфофункционал ўзгаришлар билан кузатилиши аниқланган;

стентлаш билан бирга ўтказилган тож артерияларининг ангиопластикаси муолажасининг 48% ҳолларда яхши клиник самарадорлиги (жисмоний зўриқмаларга чидамлилиكنинг ортиши, юрак етишмовчилигининг функционал синфини камайиши) ва ижобий ангиографик муваффақият исботланган ва бу коморбид 2-типтаги қандли диабети бор чап қоринчанинг отиш фракцияси пасайган ишемик кардиомиопатияли беморларда миокарднинг инотроп функциясини 5% ва ундан кўпга яхшилаши исботланган;

биринчи бор эндоваскуляр реваскуляризацияни ўтказган ва углеводлар алмашинуви бузилишларига эга чап қоринча отиш фракцияси пасайган ишемик кардиомиопатияли беморларда муолажага бўлган ижобий жавобни прогноз қилишга имкон берувчи (SYNTAX бўйича паст 22 баллдандан кам), юрак уриши сони 80 зарб/дақиқадан кам, нисбатан ёш беморлар, дастлаб жисмоний зўриқмаларга юқори чидамlilik (≥ 210 м), чап қоринчанинг охириги диастолик ҳажмининг 200 мл дан кам ва чап қоринча отиш фракцияси камида 38% бўладиган) предикторлар таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот асосида сурункали юрак етишмовчилиги ривожланиш хавфини баҳолаш учун стресс ЭхоКГ ёрдамида аниқланадиган эрта прогностик мезонлар ишлаб чиқилган;

сурункали юрак етишмовчилиги ва 2 типдаги қандли диабет беморларда клиник-функционал ва ангиографик кўрсаткичлар мезонлари асосида касаллик зўрайиши ва асоратларини олдини олиш бўйича алгоритм таклиф этилган;

сурункали юрак етишмовчилиги ва 2 типдаги қандли диабет беморларда стресс Эхо ва эхокардиографик кўрсаткичларни инобатга олган ҳолда касаллик кечишини эрта прогноزلаш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва услублар, назарий маълумотларнинг олинган тажриба натижалари билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, паст ЧҚ ОФ бўлган ишемик кардиомиопатияли беморларда коронар қон томирлар шикастланиши семиотикаси билан ўзаро боғлиқликда юрак патологик ремоделиранишнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланган бўлиб, улардан энг аҳамиятга эгалари: юрак шакли ва тузилмаси ўзгариши, чап қоринча дисфункцияси, турғун коронар қон томирлар етишмовчилиги ва углеводлар алмашинуви бузилишидир, бу эса юрак-қон томир континуумининг баъзи бир халқалари назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Ишемик кардиомиопатияли ва 2-типдаги ҚД билан коморбидликдаги ЧҚОФ паст беморларда стентлаш билан бирга ўтказиладиган ТОКА муолажасининг муваффақияти 48% ҳолларда кузатилиб, ЧҚОФ нинг дастлабки қийматларга нисбатан 5% га ортиши билан ифодаланиб, ишлаб чиқилган ва таклиф қилинган ТОКА муолажасига ижобий жавоб предикторларининг реал клиник амалиётда қўлланилиши касалликнинг клиник-функционал кўринишлари яхшиланишига ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ишемик кардиомиопатия ва қандли диабет 2 тип билан оғриган беморларда тери орқали аралашувнинг самарадорлигини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда касалликни эрта ташхислаш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган “Ишемик кардиомиопатиянинг дифференциал диагностикаси усули” мавзусидаги услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни Сақлаш

Вазирлигининг 2019 йил 18 ноябрдаги 8Н-Р/501 сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда касаллик ривожланишини эрта аниқлаш, касаллик кечиши ва прогнозни яхшилаш имконини берган;

сурункали юрак етишмовчилиги ва қандли диабет билан хасталанган беморларда касалликни эрта ташхислаш ва ангиопластикани таъсирини башоратлаш бўйича олиб борилган тадқиқотнинг илмий натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент вилояти кардиология маркази ва Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий амалий тиббиёт марказининг Жиззах филиали амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 2021 йил 26 ноябрдаги 07-09/01 сон маълумотномаси). Олинган натижалар тиббиёт амалиётига татбиқ этилиши юрак ишемик кардиомиопатияси бор беморларда касалликларни ташхислаш сифатини яхшилаш ва интервенцион тактикасини қўллашда дифференциал ёндошишни оптималлаштириб касаллик асоратларини камайтириш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқотнинг натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқотнинг натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 4 таси Республика ва 2 таси халқаро илмий журналларда чоп этилган.

Диссертация тузилмаси ва ҳажми. Диссертация иши кириш қисмидан, учта бобдан, хулосадан, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 115 бетни ташкил қилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари белгиланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифнома берилган, диссертация ишининг Республика фан ва технологиялар устивор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамиятини очиқ берган ҳолда илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён қилинган, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ қилиш бўйича бандлар тақдим қилинган, шунингдек, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилмаси бўйича маълумотлар кўрсатилган.

Диссертациянинг **“2-типтаги қандли диабети бор ишемик кардиомиопатияли беморларда тери орқали коронар аралашувлар самарадорлиги”** биринчи бобида ИКМП муаммосининг замонавий ҳолати тўғрисида маълумотлар келтирилган учта кичик бобдан иборат адабиётлар шарҳи акс эттирилган. ИКМП диагностикаси, патогенези масалаларига, касалликни жарроҳлик йўли билан даволаш асосларига бағишланган адабиёт манбалари таҳлилининг кенгайтирилган таърифи берилган. Бобда ҚД нинг ва

бошқа ёндош патологияларнинг ИКМП кечишига таъсири бўйича ватанимиз ва чет эл олимлари замонавий илмий ютуқлари изчил баён этилган. Биринчи бобда ОФпЮЕ бўлган 2-типдаги ҚД бор ИКМП ли беморларда ТОКА ёрдамида ревазуляризация самарадорлиги муносабатида якуний хулосалар учун кейинги тадқиқотлар ўтказилиши, шунингдек, ревазуляризациянинг самарадорлигига таъсир этувчи омилларни излаш, ва СЮЕ кечишига таъсирини таҳлил қилиш долзарблиги асослаб берилган.

Диссертациянинг «**Материаллар ва тадқиқот услублари**» иккинчи бобида тадқиқотга киритилган беморлар тавсифномаси ва қўлланилган тадқиқот услублари баён қилинган. Қўйилган вазифаларни бажариш учун Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида ИКМП ли 111 та бемор кузатув остида бўлган.

Тадқиқотни ташкил қилиш 3 та кетма-кет босқичдан иборат бўлди. Биринчи босқичда барча беморлар 2-типдаги ҚД мавжудлиги ёки йўқлигига кўра 2 та гуруҳга ажратилди. Беморларнинг клиник-функционал кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили ўтказилди. Иккинчи босқичда коронар артериялар (КА) ни стентлаш билан бирга ТОКА бажарилган 111 та беморнинг кузатуви ўтказилди ва клиник-функционал кўрсаткичлари динамикада текширилди. Иккинчи босқичда ҳам беморлар ҚД мавжудлиги ёки йўқлигига кўра 2 та гуруҳга ажратилди. Кузатув 24 ой давом этди. Тадқиқотнинг 3-босқичида даволаш оқибатига кўра таҳлил қилиш ва касаллик нохуш оқибати предикторларини аниқлаш мақсадида беморлар 3 та гуруҳга ажратилди (1-расм).

Тадқиқотда олинган натижалар Pentium-IV персонал компьютерида «STATISTICA 6.0» дастурлар пакетини қўллаган ҳолда статистик ишловдан ўтказилди. Ўртача арифметик (M) ва ўртача квадратик (стандарт) чекланиш (SD) ҳисоблаб чиқарилди. Стъудентни жуфт ва кўп тамонлама такқослаш t – тести қўлланилди, Бонферон тамонидан туғирланилган, Пирсон корреляция коэффиценти χ^2 . Ишончли фарқлар $p < 0,05$ ҳисобланган.

Тадқиқотнинг I – босқичи

ИКМП клиник хусусиятларининг қиёсий таҳлили: гемодинамик кўрсаткичлар, ХСБШ, ОДПНОС, ТВИ, MQQL, ЭКГ, ЭхоКГ, липид спектри, коннинг биокимёвий кўрсаткичлари

Тадқиқотнинг II – босқичи

1-гуруҳ
(2-тип ҚД бор)
(n=52)

n=111
КА ни стентлаш билан
бирга ТОКА

2 -гуруҳ
(2-тип ҚД сиз)
(n=59)

24 ой давомида клиник-функционал кўрсаткичлар ўзгаришини кузатиш

Тадқиқотнинг III – босқичи

А гуруҳ
ТОКА+ОМТ
самарадорлиги

Клиник-функционал кўрсаткичлар ва SYNTAX асосида касалликнинг ижобий ва нохуш оқибатлари предикторларини ўрганиш

Б гуруҳ
ТОКА+ОМТ
самарадорлигининг
йўқлиги
Субгуруҳ В
КУ

1-расм. Тадқиқот дизайни схемаси.

“Тадқиқотнинг шахсий натижалари” учинчи бобида текширилаётган беморларнинг дастлабки клиник маълумотлари 2-типдаги ҚД мавжудлиги/йўқлигига кўра клиник-функционал статуснинг ўзига хос хусусиятларига урғу берилган ҳолда, ИКМП ли беморларнинг 2-типдаги ҚД мавжудлиги/йўқлигига кўра ангиографик тавсифномалари, текширилаётган беморларнинг клиник-функционал тавсифномалари динамикаси, текширилаётган беморларнинг лаборатор маълумотлари динамикаси, 2-типдаги ҚД мавжудлиги/йўқлигига кўра ИКМП кечишининг эрта ва узоқ прогнози ва ижобий кечиш предикторлари ҳамда ТОКА ўтказилган 2-типдаги ҚД бор беморларда нохуш оқибатларни прогноз қилиш имкониятлари тақдим қилинган.

1-жадвал

Марказий гемодинамика ва ЮЕ клиник кўринишларининг қиёсий тавсифномаси

Дастлабки кўрсаткичлар	1-гурух (2т ҚД билан)	2 группа (2т ҚД сиз)	p
	n=52	n=59	
САБ, мм.сим.уст.	121,35±15,11	119,25±15,11	ишончсиз
ДАБ, мм.сим.уст.	90,3±9,2	82,5±12,4	<0,001
ЮҚТ, зарб/дақиқа	82,75±6,60	76,20±8,02	<0,001
ОДПЮС, м	168,07±45,11	199,52±56,73	<0,005
ҲСБШ, баллар	7,6±1,3	7,2±1,2	ишончсиз
MQQL, баллар	68,4±12,4	63,4±10,9	<0.05
ТВИ, кг/м ²	28,94±4,52	26,32±3,69	<0,05

Изоҳ: САБ ва ДАБ – систолик ва диастолик артериал босим; ЮҚТ –юрак қисқаришлари тезланиши; ОДПЮС – 6 дақиқали пиёда юриш синамаси; MQQL –ҳаёт сифатини Миннесота сўровномаси; ТВИ– тана вазни индекси

2-жадвал

Юрак ичи гемодинамикаси кўрсаткичларининг қиёсий тавсифномаси

Дастлабки ЭхоКГ кўрсаткичлари	1-гурух (2т ҚД билан)	2 группа (2т ҚД сиз)	p
	n=52	n=59	
Ао, мм	35,17±4,72	35,18±4,26	ишончсиз
ОДХ, мл	221,29±57,53	213,71±50,82	<0.05
ОСХ, мл	140,70±41,47	133,95±49,95	ишончсиз
ОФ, %	36,41±4,40	37,32±4,81	ишончсиз
ЧБ, мм	39,93±6,61	38,26±7,02	ишончсиз
ЎҚ, мм	25,79±6,58	26,21±10,19	ишончсиз
ҚТ, мм	11,14±2,06	10,03±2,30	ишончсиз
ЧҚОД, мм	10,62±2,13	9,63±1,98	ишончсиз

Изоҳ: ОДЎ ва ОСЎ – чап қоринча (ЧҚ) нинг охирги диастолик ва охирги систолик ўлчамлари; Ао – аорта; ОДХ ва ОСХ – ЧҚ нинг охирги диастолик ва охирги систолик ҳажмлари; ОФ – ЧҚ отиши фракцияси; ЧБ – чап бўлмача; ЎҚ – ўнг қоринча; ҚТ – қоринчаларо тўсиқ қалинлиги ва ЧҚОД – ЧҚ орқа девори қалинлиги.

2-типтаги ҚД мавжудлиги/йўқлигига кўра беморларнинг дастлабки клиник тавсифномалари 1-жадвалда намоиш қилинган бўлиб, ундан кўриниб турибдики, 2-типтаги ҚД мавжуд беморларда (1-гуруҳ) ОДПЮС ва ТВИ дан ташқари барча кўрсаткичлар 2-типтаги ҚД мавжудли бўлмаган беморларга (2-гуруҳ) нисбатан ишончли равишда юқори эканлиги қайд этилди. ТВИ нинг паст қийматларига қарамай, 1-гуруҳ беморларида ОДПЮС ўтказиш вақтида босиб ўтилган масофа солиштириш гуруҳи беморларига нисбатан 31,45 м га кам эканлиги кузатилди (1-жадвал).

Юрак ичи гемодинамикаси кўрстакчиларининг бевосита таҳлили гуруҳлар ўртасида деярли фарқларни аниқламади, барча референс қийматлар ўзаро таққослама бўлди (2-жадвал). Шу нарса ўзига эътиборни тортадики, 1-гуруҳ беморларида ҚТ қалинлиги 2-гуруҳ беморларига нисбатан 0,11 мм катта эканлиги қайд этилди ($p=0,792$).

Лаборатор маълумотларнинг қиёсий таҳлили 3-жадвалда тақдим қилинган, жадвалдан кўриниб турганидек, липидлар алмашинуви кўрсаткичлари томонидан гуруҳлар ўртасида деярли фарқлар кузатилмади, бироқ қоннинг биокимёвий таҳлили компонентлари мантиқан равишда айнан 2-типтаги ҚД мавжуд беморларда ҳолатнинг метаболик ёмонлашуви тўғрисида далолат беради. Шунингдек 1-гуруҳ беморларида КФТ нинг пасайиши кузатилди.

3-жадвал

Биокимёвий кўрсаткичларнинг қиёсий таҳлили

Дастлабки кўрсаткичлар	1-гуруҳ (2т ҚД билан) n=52	2 группа (2т ҚД сиз) n=59	p
Липидограмма			
Умумий холестерин ммоль/л	195,20±51,34	196,97±54,51	ишончсиз
Триглицеридлар ммоль/л	174,10±105,29	165,60±96,07	ишончсиз
ЮЗЛП ХС, ммоль/л	36,15±8,61	37,30±9,94	ишончсиз
ЖПЗЛП ХС, ммоль/л	35,94±27,44	36,24±28,76	ишончсиз
ПЗЛП ХС, ммоль/л	121,46±47,24	123,09±44,66	ишончсиз
АК ХС	4,62±1,53	4,47±1,29	ишончсиз
Глюкоза ммоль/л	8,97±4,06	5,58±1,94	0,000
НбА1с, %	9,48±3,36	5,98±2,91	0,000
АЛТ	39,94±14,18	29,45±19,59	0,001
АСТ	28,55±13,22	32,34±16,18	ишончсиз
Билирубин умумий	19,13±16,55	17,59±12,29	ишончсиз
Креатинин	104,69±15,81	98,61±17,68	ишончсиз
Мочевина	7,24±2,39	7,51±2,79	ишончсиз
КФТ	81,6± 11,8	93,8±12,7	0,000
<i>Изоҳ: n – беморлар сони; АК ХС – холестериннинг атерогенлик коэффиценти</i>			

Шундай қилиб, 2-типтаги ҚД бор ИКМП ли беморлар ҚД сиз ИКМП ли беморларга нисбатан ёмонроқ клиник кўриниш билан тавсифланган, бунда

жисмоний зўркмаларга паст чидамлилик, қоринча экстрасистолияларининг мураккаб градациялари ва гликемик профилнинг яққол ифодаланган бузилишлари ҳамда буйрак етишмовчилиги ривожланиши тенденцияси кўпроқ намоён бўлиши қайд этилган. Бироқ, 2-типдаги ҚД бор ёки йўқлигига қарамай, ИКМП ли беморларнинг кўпчилигида эксцентрик ЧҚГ мавжуд бўлган.

РИКИАТМ клиникасида даволаниш даврида 111 беморда коронар қон томирлар шикастланиши семиотикаси таҳлили билан бирга ангиография ўтказилди, бунда клиник ва гемодинамик аҳамиятга эга ножўя (летал оқибатга олиб келган) таъсирлар кузатилмади.

Коронар қон томирларни стентлаш билан бирга ўтказилган ТОКА муолажаси 2-типдаги қандли диабетли бемор (52 та бемор – 1-гурух) ва қандли диабетли йўқ (59 та бемор – 2-гурух) ишемик кардиомиопатияли беморларда бажарилди.

4-жадвал

Коронар қон томирлар семиотикасини қиёсий баҳолаш

Дастлабки кўрсаткичлар	1-гурух (2т ҚД билан) n=52	2 группа (2т ҚД сиз) n=59	p	χ^2
Ўртача ёши, йил	58,89±6,97	57,89±7,74	ишончсиз	
Эркак/Аёл, n	28 / 10	34 / 11	ишончсиз	ишончсиз
1 қон томирли шикастланиш, n (%)	10 (19,2%)	13 (22,2%)	ишончсиз	ишончсиз
2 қон томирли шикастланиш, n (%)	19 (36,5%)	25 (42,2%)	ишончсиз	ишончсиз
3 қон томирли шикастланиш, n (%)	23 (44,8%)	21 (35,6%)	ишончсиз	ишончсиз
SYNTAX ≤ 22 балл, n (%)	33 (63,2%)	52 (88,9%)	<0.005	9.381
SYNTAX > 22 балл, n (%)	19 (36,8%)	7 (11,1%)	<0.001	31.924
Ўрнатилган стентларнинг умумий сони	96	92	ишончсиз	ишончсиз
Битта беморга ўрнатилган стентлар сони	1,84	1,56		
<i>Изоҳ: n- беморлар сони; * - P<0,05 да гуруҳлар ўртасидаги ишонччилик.</i>				

Ўрнатилган имплантларнинг умумий сони 188 та стентни ташкил қилди. Стентларнинг ўртача қийматини ҳисоблаб чиқилганда битта беморга 1,78 та стент тўғри келди.

ТОКА ўтказилгандан кейин клиник кўрсаткичлар ва марказий гемодинамика параметрларининг ўзгариши

Кўрсаткич	1-гuruh КД ли			P1	P2	2-гuruh КД сиз			P1	P2
	n=52	n=50	n=44			n=59	n=56	n=50		
	Дастлабки	6 ой	24 ой			Дастлабки	6 ой	24 ой		
Босқичлар:										
САБ, мм.сим.уст.	136,3±15,1	126,2±12,1	132,3±10,1	<0,0 5	ИШО нчс из	126,2±15,1	130,2±8,1	131,2±10,1	ИШ онч сиз	<0, 05
ДАБ, мм.сим.уст.	90,3±9,2	82,5±10,4	88,7±10,0	<0,0 5	ИШО нчс из	82,5±12,4	76,5±9,0	71,8±9,1	<0, 05	<0, 05
ЮКТ, зарб/дақиқа	82,7±6,6	80,5±7,6	80,5±6,9	ИШО нчс из	ИШО нчс из	76,2±8,0	72,4±8,5	74,2±9,1	ИШ онч сиз	ИШ онч сиз
ОДПНОС, м	168,1±45,1	283,8±61,0	280,8±41,0	<0,0 5	<0,0 5	199,5±56,7	295,8±58,0	293,8±47,9	<0, 05	<0, 05
ХСБШ, баллар	10,6±1,3	5,5±2,1	6,5±2,2	<0,0 5	<0,0 5	10,2±0,2	3,6±0,3	4,5±1,1	<0, 05	<0, 05
МОQL, баллар	68,4±12,4	26,4±12,4	55,3±10,9	<0,0 5	<0,0 5	63,4±10,9	36,4±15,2	42,2±10,4	<0, 05	<0, 05
ТВИ, кг/м2	28,9±4,5	28,3±4,4	29,5±4,1	ИШО нчс из	ИШО нчс из	26,3±3,7	25,3±3,7	26,36±3,69	ИШ онч сиз	ИШ онч сиз

Изоҳ: САБ ва ДАБ – систолик ва диастолик артериал босим; ЮКТ –юрак қисқаришлари тезланиши; ОДПНОС – 6 дақиқали пиеда юриш синамаси; МОQL –ҳаёт сифатини Миннесота суровномаси; ТВИ– тана вазни индекси; P1 – дастлабки ва 6 ойдан кейинги қийматлар ўртасидаги фарқлар ишончлилиги; P2 – дастлабки ва 24 ойдан кейинги қийматлар ўртасидаги фарқлар ишончлилиги.

Тадқиқотимизнинг биринчи босқичида асосий ангиографик маълумотлар таҳлили ўтказилди, улар 4-жадвалда тақдим қилинган.

Жадвалдан кўриниб турганидек, гуруҳлар жинси ва ёши бўйича таққосламандир. Иккала гуруҳда ҳам эркак жинсига мансуб шахслар кўпроқ эканлиги кузатилди. Битта қон томирли ва учта қон томирли шикастланишларнинг учраши тезланиши 1-гуруҳда 1,3 мартага юқорилиги қайд этилди. Аксинча, иккита қон томирли шикастланишлар 1-гуруҳда 1,6 мартага кам эканлиги аниқланди. Маълумки, учта қон томирли шикастланишлар мураккаб шикастланишлар тоифасига киради, SYNTAX шкаласи бўйича баллар сони эса >22 бўлганда ТОКА асоратларининг юқори хавфига эга деб қаралади. Шундан кўриниб турибдики, 2-типдаги ҚД бор беморлар мураккаб рентген-морфологик кўриниш билан тавсифланган ва уларнинг нисбатан кўп қисми (36,8% vs 11,1%; $p=0,012$ ва $\chi^2=6,339$) юқори хавф тоифасига кирган.

6-жадвал

2-типдаги ҚД бор ИКМП ли беморларда ТОКА дан кейин юрак ичи гемодинамикаси кўрсаткичларининг ўзгариши

п	52	50	44	P1 (1-2)	P2 (1-3)
Босқичлар	Дастлабки	6 ой	24 ой		
Ао	34,17±4,72	33,44±2,88	33,44±2,84	ишончс из	ишончс из
ОДХ, мл	221,29±57,53	199,32±60,90	203,11±49,59	ишончс из	ишончс из
ОСХ, мл	140,70±41,47	114,90±54,67	115,11±48,47	<0.05	<0.05
ОФ, %	36,41±4,40	43,31±9,30	42,46±7,88	<0.05	<0.05
ЧБ, мм	39,93±6,61	38,49±7,22	40,94±6,21	ишончс из	ишончс из
ЎҚ, мм	25,79±6,58	33,09±5,90	35,17±5,53	<0.05	<0.05
ҚТ, мм	11,14±2,06	11,86±2,35	12,27±1,87	ишончс из	<0.05
ЧҚОД, мм	10,62±2,13	10,29±1,96	10,45±1,74	ишончс из	ишончс из

Изоҳ: n – беморлар сони; ОДЎ ва ОСЎ – чап қоринча (ЧҚ) нинг охирги диастолик ва охирги систолик ўлчамлари; Ао – аорта; ОДХ ва ОСХ – ЧҚ нинг охирги диастолик ва охирги систолик ҳажмлари; ОФ – ЧҚ отиш фракцияси; ЧБ – чап бўлмача; ЎҚ – ўнг қоринча; ҚТ – қоринчаларо тўсиқ қалинлиги ва ЧҚОД – ЧҚ орқа девори қалинлиги; p1 – дастлабки ва 6 ойдан кейинги қийматлар ўртасидаги фарқлар ишончлилиги; p2 – дастлабки ва 24 ойдан кейинги қийматлар ўртасидаги фарқлар ишончлилиги.

Юқорида баён қилингандан келиб чиқадики, 2-типдаги ҚД билан бирга кечаётган ИКМП ли беморларда ангиографик кўпроқ 3 та қон томирли шикастланишлар кўпроқ қайд қилинган; SYNTAX шкаласи бўйича хавф юқорирок эканлиги кузатилган, бу бевосита ТОКА дан бўлган асоратларни таҳлил қилганда ўзининг тасдиғини топди, яъни бундай асоратларининг

тезланиши айнан шу тоифадаги беморларда устун бўлиши аниқланди, лекин статистик аҳамиятга эга даражага етмади.

Беморларнинг динамикадаги асосий клиник тавсифномалари 5-жадвалда намоиш қилинган. 2-типдаги ҚД бор беморларда САБ ва ДАБ қийматлари 6 ойлик босқичда ишончли равишда яхшиланди, бироқ 24 ойдан кейин натижалар яна дастлабки қийматларга тенг келиб қолди. Аксинча, 2-типдаги ҚД сиз беморларда аналогик кўрсаткичлар динамикаси 6 ва 24 ойлик босқичларда турғун тавсифга эга бўлди. ЮҚТ томонидан ҳам ижобий тенденция кузатилди, бироқ 1-гурух беморларида бу ўзгаришлар 2-гурух беморларига нисбатан камроқ ифодаланганлиги қайд этилди. Иккала гуруҳда ҳам 6 ойлик босқичда ОДПЮС нинг ишончли равишда ортиши кузатилди: 1-гуруҳда 1,7 мартага ва 2-гуруҳда 1,5 мартага ортди (иккаласи учун $p < 0,05$). ХСБШ шкаласи бўйича баллар сони 1-гуруҳда 6 ойлик босқичда деярли 2 (1,9) мартага ва 2-гуруҳда деярли 3 (2,8) мартага камайди, бу ҳол ҳаёт сифатининг яхшиланиши билан бирга кузатилди (MQLL 1-гуруҳда 2,6 мартага ва 2-гуруҳда 1,7 мартага пасайди).

7-жадвал

2-типдаги ҚД йўқ ИКМП ли беморларда ТОКА дан кейин юрак ичи гемодинамикаси кўрсаткичларининг ўзгариши

n	59	56	50	P1 (1-2)	P2 (1-3)
Босқичлар	Дастлабки	6 ой	24 ой		
Ао	34,18±4,26	32,98±4,00	33,37±3,34	ишончсиз	ишончсиз
ОДХ, мл	213,71±50,82	190,74±44,88	200,89±59,44	<0.05	<0.05
ОСХ, мл	133,95±49,95	112,58±39,58	118,47±44,34	<0.05	<0.05
ОФ, %	37,32±4,81	42,33±7,32	44,16±7,52	<0.05	<0.05
ЧБ, мм	38,26±7,02	41,33±6,41	41,41±7,07	ишончсиз	ишончсиз
ЎҚ, мм	26,21±10,19	34,05±6,96	34,84±6,82	<0.05	<0.05
ҚТ, мм	10,03±2,30	11,05±2,53	11,65±2,41	<0.05	<0.05
ЧҚОД, мм	9,63±1,98	10,30±2,29	10,65±2,36	ишончсиз	<0.05

Изоҳ: n – беморлар сони; ОДЎ ва ОСЎ – чап қоринча (ЧҚ) нинг охирги диастолик ва охирги систолик ўлчамлари; Ао – аорта; ОДХ ва ОСХ – ЧҚ нинг охирги диастолик ва охирги систолик ҳажмлари; ОФ – ЧҚ отиш фракцияси; ЧБ – чап бўлмача; ЎҚ – ўнг қоринча; ҚТ – қоринчаларо тўсиқ қалинлиги ва ЧҚОД – ЧҚ орқа девори қалинлиги; p1 – дастлабки ва 6 ойдан кейинги қийматлар ўртасидаги фарқлар ишончлилиги; p2 – дастлабки ва 24 ойдан кейинги қийматлар ўртасидаги фарқлар ишончлилиги.

ЭхоКГ кўрсаткичлари динамикасини баҳолаш 1-гурух беморларида бир қатор ишончли ижобий силжишларни аниқлаб берди, бунда яққолроқ ифодаланган ижобий ўзгаришлар 24 ойлик босқичга нисбатан 6-ойлик

босқичда намоён бўлди. Хусусан, ОДЎ қийматлари ярим йилдан кейин 3,5 мм га, ОСЎ эса 4 мм га камайди; ОДХ ва ОСХ мувофиқ равишда 22 мл ва 25,8 мл га камайди, бу эса ОФ нинг 6,9% га ортишига олиб келди, барчаси учун $p < 0,05$ (6-жадвал). Бу ҳолат корреляцион таҳлил ўтказилганда ҳам ўз тасдиғини топди, унда ОДХ ва ЧҚ ОФ ўртасида тескари боғлиқлик аниқланди, яъни ЧҚ ҳажмининг камайиши миокарднинг қисқарувчанлик функцияси ортиши билан шартланди.

2-типдаги ҚД сиз беморларда ҳам ЭхоКГ кўрсаткичлари ижобий тавсифга эга бўлди (7-жадвал). Бунда ЧҚ чизиқли ўлчамлари томонидан аниқланган тенденция барча кейинги босқичларда кузатилди: ОДЎ 6 ойлик босқичда 3,13 мм га, 24 ойлик босқичда эса 3,27 мм га камайди; ОСЎ 6 ва 24 ойдан кейин мувофиқ равишда 2,92 мм ва 3,32 мм га камайди (барчаси учун $p > 0,05$). ЧҚ систолик функцияси 6 ойлик босқичда 4,07% га ва 24 ойдан кейин 6,61% ортди (иккаласи учун $p < 0,05$).

Шундай қилиб, даволашнинг 6 ойлик даври ҳам умумклиник, ҳам функционал кўрсаткичларнинг яхшиланиши: ЧҚ ҳажмли ўлчамларининг камайиши, ЧҚ мушак вазнининг ортиши ва мувофиқ равишда ОФ нинг 4,07% га ортиши билан тавсифланди. Текширувнинг 2 йиллик босқичида дастлабки қийматларга нисбатан клиник-функционал кўрсаткичларнинг ижобий динамикаси қайд этилди, лекин тадқиқотнинг 6 ойлик босқичига нисбатан салбий тенденцияга эга бўлди.

6 ойлик босқичда 2-типдаги ҚД бор беморлар гуруҳида липид спектри таҳлили дастлабки қийматларга нисбатан умумий холестерин даражасининг 15,35 бирликка; триглицеридларнинг 14,64 бирликка ва ПЗЛП ХС микдорининг 9,33 бирликка пасайганлигини аниқлаб берди, бироқ фарқлар ишончлилиқ даражасига етиб бормади (барчаси учун $p > 0,05$). Аниқланган ижобий тенденция тадқиқотнинг икки йиллик босқичида ҳам сақланиб қолди (8-жадвал).

Иккинчи гуруҳда липид спектри кўрсаткичлари динамикасини баҳолаш шунингдек қийматларнинг яхшиланишини кўрсатди (9-жадвал). Кузатувнинг 6 ойдан кейин умумий холестерин даражаси 7,4 бирликка, триглицеридлар 18,8 бирликка ($p < 0,05$) ва ПЗЛП ХС 10,98 бирликка пасайганлиги қайд этилди. Бу эса атерогенлик даражасининг 0,57 бирликка камайишига ёрдам берди ($p < 0,05$). Тадқиқотнинг икки йиллик босқичида 2-типдаги ҚД бўлмаган беморларда атерогенлик коэффиенти ва липид спектри кўрсаткичлари даражасининг пасайиши 2-типдаги ҚД мавжуд беморларга нисбатан кўпроқ ифодаланган тавсифга эга бўлди, бу холестерин АК ни ҳисоблаб чиқилганда ўз тасдиғини топди, яъни ХС АК дастлабки қийматларга нисбатан 1,2 мартага пасайди ($p < 0,05$), 1-гуруҳ беморларида эса аналогик кўрсаткич дастлабки қийматларга нисбатан 1,05 мартага камайганлиги кузатилди.

Бундан ташқари гуруҳлараро қиёсий таҳлил кўрсатдики, 2-гуруҳда ЮЗЛП ХС даражасининг ўсишга тенденцияси қайд қилинди, аксинча 2-гуруҳ беморларида ЮЗЛП ХС босқичдан босқичга пасайганлиги кузатилди (9-жадвал).

8-жадвал

2-типтаги ҚД бор ИКМП ли беморларда ТОКА дан кейин липид спектри кўрсаткичларининг ўзгариши

n	52	50	44	P1 (1-2)	P2 (1-3)	P3 (2-3)
Босқичлар	Дастлабки	6 ой	24 ой			
Умумий холестерин мг/дл	195,20±51,34	179,85±55,19	174,16±51,27	ишонч сиз	ишонч сиз	ишонч сиз
Триглицеридлар мг/дл	174,10±105,29	156,46±95,95	154,32±87,75	ишонч сиз	ишонч сиз	ишонч сиз
ЮЗЛП ХС, мг/дл	36,15±8,61	34,54±9,45	33,19±7,92	ишонч сиз	ишонч сиз	ишонч сиз
ЖПЗЛП ХС, мг/дл	35,94±27,44	30,54±19,80	30,81±21,92	ишонч сиз	ишонч сиз	ишонч сиз
ПЗЛП ХС, мг/дл	121,46±47,24	112,13±44,94	110,68±42,30	ишонч сиз	ишонч сиз	ишонч сиз
АК ХС	4,62±1,53	4,10±1,45	4,41±1,46	ишонч сиз	ишонч сиз	ишонч сиз

Изоҳ: n – беморлар сони; АК ХС – холестериннинг атерогенлик коэффициенти; p1 – дастлабки ва 6 ойдан кейинги қийматлар ўртасидаги фарқлар ишончлилиги; p2 – дастлабки ва 24 ойдан кейинги қийматлар ўртасидаги фарқлар ишончлилиги; P3 – 6 ва 24 ойли босқичларда фарқлар ишончлилиги.

9-жадвал

2-типтаги ҚД йўқ ИКМП ли беморларда ТОКА дан кейин липид спектри кўрсаткичларининг ўзгариши

n	59	56	50	P1 (1-2)	P2 (1-3)	P3 (2-3)
Босқичлар	Дастлабки	6 ой	24 ой			
Умумий холестерин мг/дл	196,97±54,51	189,57±54,33	175,90±45,07	ишонч сиз	ишонч сиз	ишонч сиз
Триглицеридлар мг/дл	165,60±96,07	146,80±65,47	124,72±50,22	ишонч сиз	<0.05	ишонч сиз
ЮЗЛП ХС, мг/дл	37,30±9,94	36,89±8,65	38,41±8,51	ишонч сиз	ишонч сиз	ишонч сиз
ЖПЗЛП ХС, мг/дл	36,24±28,76	36,16±26,84	26,72±11,58	ишонч сиз	ишонч сиз	ишонч сиз
ПЗЛП ХС, мг/дл	123,09±44,66	112,11±47,79	110,18±38,19	ишонч сиз	ишонч сиз	ишонч сиз
АК ХС	4,47±1,29	3,90±1,00	3,67±0,97	<0.05	<0.05	ишонч сиз

Изоҳ: n – беморлар сони; АК ХС – холестериннинг атерогенлик коэффициенти; p1 – дастлабки ва 6 ойдан кейинги қийматлар ўртасидаги фарқлар ишончлилиги; p2 – дастлабки ва 24 ойдан кейинги қийматлар ўртасидаги фарқлар ишончлилиги; P3 – 6 ва 24 ойли босқичларда фарқлар ишончлилиги.

1-гурух беморлари орасида биокимёвий таҳлил кўрсаткичлари динамикаси кўрсатдики, глюкоза микдорининг бироз ортиши буйрак функциясининг ёмонлашувига олиб келди (КФТ босқичларда пасайди). Бу ҳол корреляцион таҳлил ўтказилганда ҳам ўз тасдиғини топди, таҳлил ўтказилганда гликирланган гемоглобин даражаси бир томондан, креатинин қийматлари иккинчи томондан тўғри боғлиқликка эга бўлди. Бунда 6 ойлик босқичда ушбу тенденция барча текширилаётган шахсларда ишончли тавсифга эга бўлмади, бироқ 2 йил ўтгандан кейин корреляция ишончли эканлиги қайд этилди.

Шундай қилиб, лаборатор кўрсаткичлар динамикаси барча текширилаётганларда ижобий тавсифга эга бўлиб, 6 ойлик босқичда яққолроқ ифодаланган. Шунга қарамай, 2-типдаги ҚД бор беморлар липид спектри кўрсаткичларининг ва буйрак дисфункциясининг нисбатан ёмонроқ қийматлари билан тавсифланди.

Узоқ прогнозни баҳолаш 2 йиллик кузатув давомида ўтказилди. Бунда биз томондан асосий охириги нуқталар таҳлил қилинди:

- бир йилда госпитализацияларнинг ўртача сони;
- такрорий ўтказилган ТОКА;
- АКШ ўтказилиши;
- ЎМИ ривожланиши;
- МҚАЎБ ривожланиши;
- кардиал ўлим (КЎ).

10-жадвал

Реваскуляризация динамикаси ва 2 йиллик кузатув даврида беморларнинг ҳаёт прогнози

	6 ой			24 ой		
	2т ҚД ли, n=50	2т ҚД сиз, n=56	р	2т ҚД ли, n=44	2т ҚД сиз, n=50	р
Бир йилда госпитализацияларнинг ўртача сони	3,2±1,4	2,2±1,2	<0.05	2,8±1,4	2,8±1,2	>0.05
Такрорий ТОКА ўтказиш	3 (6,0%)	1 (1,8%)	ишончсиз	7 (15,6%)	2 (3,9%)	<0.05
АКШ ўтказиш	2 (4,0%)	1 (1,8%)	ишончсиз	6 (12,9%)	2 (3,9%)	<0.05
ЎМИ ривожланиши	6 (12,0%)	3 (5,4%)	<0.05	5 (10,2%)	5 (9,2%)	ишончсиз
МҚАЎБ ривожланиши	2 (4,0%)	1 (1,8%)	ишончсиз	2 (5,0%)	3 (5,6%)	ишончсиз
Кардиал ўлим (КЎ)	0	0	ишончсиз	6 (12,9%)	4 (8%)	ишончсиз
